

## **ЮК-КУЗАТУВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАШҚИ САВДОДА ЛОГИСТИКА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Н.Рахманова,**

Божхона институти магистранти

**Аннотация:** Ушбу тезисда темир йўл транспортида ташиладиган ташқи савдо юкларига оид юк-кузатув ҳужжатларини рақамлаштириш аҳамияти, зарурати, Ўзбекистон шароитида мавжуд муаммолар ва имкониятлар; экспорт, импорт, транзит жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш орқали мамлакатимиз ташқи савдо ва транзит салоҳиятини кўпайтириш, логистика самарадорлигини ошириш имкониятлари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** электрон СМГС, олдиндан электрон маълумот алмашиш, божхона ахборот тизимлари.

**Аннотация:** В данном тезисе будет рассмотрено важность и необходимость цифровизации товаро-сопроводительных документов внешнеторговых грузов, перевозимых железнодорожным транспортом, существующие проблемы и возможности в условиях Узбекистана. Будут рассмотрены возможности увеличения внешнеторгового и транзитного потенциала страны, повышения эффективности логистики за счёт полной цифровизации процессов экспортно-импортных и транзитных перевозок.

**Ключевые слова:** электронная СМГС, предварительная электронная информирование, автоматизированные система таможенных органов.

**Abstract:** In this thesis it will be considered the importance of digitalization of shipping documents for foreign trade goods transported by rail, existing problems and readiness assessment for Cross-Border Paperless trade in Uzbekistan. The possibilities of increasing the foreign trade and transit potential of the country and increasing the LPI of Uzbekistan.


**Key words:** electronic SMGS, exchange of information, automated systems of customs authorities.

Бугунги кунда логистикада деярли барча жараёнлар (товарни онлайн буюртма қилиш, сотиб олиш, тўловларни тўлаш, етказиб бериш ва б.) рақамлашган яъни тадбиркор офисдан ёки уйдан чиқмаган ҳолда, ўзига қулай вақтда товар ёки хизматлардан фойдаланиши мумкин. Товарларни халқаро савдосида эса экспорт-импорт жараёнлари мамлакатимизда қисман рақамлашган. БЮДни расмийлаштириш, божхона органига юбориш, расмийлаштирув жараёнларини кузатиш, сертификат олиш ва бошқалар тўлиқ рақамлашган. Аммо, бугунги кунда ташқи савдо юкларига оид юк-кузатув ҳужжатлари (накладной, инвойс ва б.) қоғоз нусхада амалга оширилади.

ESCAP экспертлари томонидан 2019 йилда Ўзбекистоннинг трансчегаравий қоғозсиз савдога тайёрлиги баҳоланган<sup>1</sup>. Унга кўра, Ўзбекистон сўнгги йилларда ташқи савдони соддалаштириш ва энгиллаштириш борасида анча ишлар амалга оширилганлиги, шунингдек, келгусида савдодаги ҳаражатларни янада камайитириш, савдога оид жараёнларни янада соддалаштириш ва рақамлаштириш орқали ўзининг рақобатбардошлигини ошириши мумкинлиги таъкидланган (1-расм).

Савдога кўмаклашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар кўрсаткичи, 2019 йил

<sup>1</sup> UN ESCAP “Readiness Assessment for Cross-Border Paperless Trade: UZBEKISTAN”, Bangkok, Thailand Copyright © United Nations 2019, 93 pages



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг трансчегаравий қоғозсиз савдога тайёрлиги бўйича кўрсаткич таҳлили<sup>2</sup>

Изоҳ: Юқори балл – 100 балл

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда трансчегаравий қоғозсиз савдо бошқа йўналишларга нисбатан юқори, яъни 100 баллдан 60 бал ҳисобида баҳоланган.

БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Economic and Social Commission for Asia and the Pacific - ESCAP) экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистонда трансчегаравий қоғозсиз савдони тўлиқ амалиётга жорий қилиниши учун қуйидаги 3 йўналишда ишларни жонлантириш керак<sup>3</sup>:

Электрон божхона ва “Ягона дарча” миллий тизимларида барча назорат қилувчи органлар уланган бўлишлари керак;

Маълумотларни сақлашга мўлжалланган ахборот технологияларни узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш;

Трансчегаравий қоғозсиз савдони ривожлантириш борасида инициатива кўрсатишни давом эттириши ва бунинг натижасида биргаликдаги кўрик, натижаларни электрон тарзда алмашиш кабиларга эришиш;

Ушбу муаммонинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2022 йил 17 февралда

“Божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари” бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда<sup>4</sup> темир йўл, авиа ва автомобиль транспорти

<sup>2</sup> UN ESCAP “Readiness Assessment for Cross-Border Paperless Trade: UZBEKISTAN”, Bangkok, Thailand Copyright © United Nations 2019, 93 pages, page-3

<sup>3</sup> UN ESCAP “Readiness Assessment for Cross-Border Paperless Trade: UZBEKISTAN”, Bangkok, Thailand Copyright © United Nations 2019, 93 pages, page-4

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев. “Божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари” бўйича йиғилиши. 2020 йил 17 февраль.

орқали амалга оширилаётган экспорт ва импорт жараёнларидаги барча қоғоз ҳужжатлардан тўлиқ воз кечиш, уларни рақамлаштириш вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-122-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштирув жараёнларини рақамлаштириш бўйича “Йўл харитаси”да импорт товарларининг юк-кузатув ҳужжатларига божхона ходимлари томонидан муҳр ва штамп қўйиш амалиётини рақамлаштириш орқали бекор қилиш белгиланган.

Темир йўл, авиа ва автомобиль транспорти орқали амалга оширилаётган экспорт, импорт ва транзит жараёнларидаги барча қоғоз ҳужжатлардан тўлиқ воз кечиш, уларни оптималлаштириш даврининг ўзи талаб этмоқда.

Юқоридаги фармон билан экспорт йўналишидаги темир йўл вагонларини электрон буюртма қилиш ва импорт товарлари ҳужжатларини электрон қабул қилиш имкониятларини яратиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ахборот тизимларини “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига интеграция қилиш режалаштирилган.

Бизнинг фикримизча, ушбу режалар темир йўлларда ташиладиган товарларга оид юк-кузатув ҳужжатларни рақамлаштириш ва қоғоз версиядаги ҳужжатлардан воз кечиш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Темир йўллари (кейинги ўринларда ЎТЙ) ОАЖнинг Ягона ойна ахборот тизимида темир йўл вагонларини онлайн буюртма қилиш ва онлайн тарзда накладой (СМГС) шакллантириш имконияти мавжуд. Аммо ушбу имкониятдан бугунги кунда асосан Ўзбекистон ичидаги ташувлар учун қўлланилмоқда.

Тадқиқот давомида мамлакатимиздаги йирик экспортёр ташкилот “Навоийазот” ОАЖ имкониятлари ўрганилди. Унга кўра, бугунги кунда ушбу ташкилот томонидан ички ташувларда йилига ўртача 12 000 та вагонда юклар ташилиб, ҳозирда ички ташувлар учун ЎТЙ ОАЖнинг ягона ойна ААТ орқали электрон СМГС шакллантирилмоқда. Ушбу ташкилот томонидан йилига ўртача ички ташувлар учун 12 000 та, экспорт учун 7 500 та СМГС расмийлаштирилишини, 1 донга қоғоз нусхадаги СМГСнинг нархи ўртача 15 000 сўмни ташкил этишини инобатга олсак, ушбу ташкилот томонидан йилига ўртача 300 млн. сўм маблағ биргина қоғоз накладой учун ҳаражат қилинади.

Бундан ташқари СМГСда кўп йўл қўйиладиган хатоликлар (техник ва орфографик нотўғри тўлдириш)ни тузатиш қоғоз накладойдан кўра электрон СМГСда бир мунча осонроқ амалга оширилади.

РФнинг Traft транспорт компанияси директори А.Савин электрон накладойнинг афзаллиги ва салбий тарафлари ҳақида шундай ёзади<sup>5</sup>

(1-жадвал).

1-жадвал  
Электрон ҳужжат алмашувининг афзал ва салбий жиҳатлари

| Афзаллиги                         | Салбий тарафи                         | Эришилган ютуқлар<br>“Л’Этуаль” компанияси<br>мисолида       |
|-----------------------------------|---------------------------------------|--------------------------------------------------------------|
| Бизнес жараёнлари тезлашади       | Операторларнинг ягона реестри йўқлиги | Транспорт накладойларини қайта ишлаш ишлари 80 % га қисқарди |
| Ташувларда шаффофлик таъминланади | Назорат қилувчи органлар томонидан    | Қоғоз накладойни йўқолиши, яроқсиз ҳолга келиши ва хато      |

<sup>5</sup><http://truckanroad.ru/business/traft-perevela-perevozki-dlya-l-jetual-na-jelektronnuju-transportnuju-akladnuju.html>, мурожаат санаси: 23.05.2022 йил




|                                                                   |                                        |                                                                                                   |
|-------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                   | қоғоз накладной талаб қилиниши         | тўлдирилиши холатлари қискарди                                                                    |
| Хужжатларни расмийлаштириш, алмашиш ва сақлаш харажатлари камаяди | Маълумотларни сақлашдаги қийинчиликлар | Хужжатларни расмийлаштириш, алмашиш ва сақлаш харажатлари 5 баробарга камайган                    |
|                                                                   |                                        | Транспорт хужжатлари билан ишлашнинг ҳар бир босқичидаги харажатлар ва вақт қисқаришига эришилди. |

Ташқи савдо юқларига оид жараёнларни тўлиқ рақамлаштиришга оид жаҳоннинг илғор тажрибасига мурожаат қилсак, Россия Федерациясида Федерал божхона хизмати (ФБХ) ва Россия темир йўллари (РТЙ) ўртасида ЕАЭС ҳудудида темир йўлда ташиладиган ташқи савдо юқларига тегишли юқлар тўғрисида олдиндан мажбурий маълумот алмашиш 2014 йилдан бутунлай замонавий ва янгича тизимга ўтказилган. Бунда ТИФ қатнашчиси электрон кўринишдаги СМГС билан биргаликда товар тўғрисидаги электрон маълумотларни юк темирйўл ўтказиш пунктига етиб келишидан камида 4 соат олдин <http://cargo.rzd.ru> сайти орқали тақдим этади. Натижада товарлар олиб ўтилишини соддалаштириш, уларни чегара ўтказиш пунктида бўлиш муддатини қисқартириш, божхона расмийлаштируви жараёнида юк эгасига сифатли хизмат кўрсатиш, барча жараёнларни рақамлаштиришга, шунингдек, божхона органлари ва темир йўл ходимларининг қозоғ вариантыдаги хужжатларни дастурларга киритиш учун сарфлайдиган вақтини қисқартиришга хизмат қилмоқда. РФ ҳудудида (Белоруссия ва Қозоғистонга/дан юбориладиган ва келадиган юқлар учун) электрон накладной орқали ташишларни расмийлаштириш Юк-кузатув хужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштириш автоматлашган тизими (ЭТРАН) асосида амалга оширилади<sup>6</sup>. ЭТРАН ААТ орқали юк жўнатувчи “АРМ отправитель” дарчасига электрон рақамли имзо орқали кириб, экспорт товарлари тўғрисидаги маълумотларни киритади ва транспорт компаниясига юборади. Транспорт компанияси маълумотлар тўғрилигини текширади ва тегишли маълумотларни киритади. Ўзбекистонда ҳам Ўзбекистон Темир йўллари ОАЖ ташқи савдо юқлари тўғрисида божхона органларига олдиндан “Е Транзит” божхона автоматлашган ахборот тизими орқали маълумот тақдим этилиши 2022 йилдан йўлга қўйилди.

“Жаҳонда савдони енгиллаштириш ва хавфсизликни таъминлашнинг ҳадли стандартлари”нинг биринчи элементи ҳудудга кираётган, ундан чиқаётган ва транзит тарзда ўтаётган товарлар ҳақида олдиндан электрон почта орқали хабар беришга оид талабларни уйғунлаштиришни назарда тутати. Ушбу стандарт талабларининг амалиётга жорий этилиши натижасида қуйидаги имкониятлар яратилади, жумладан (2-расм):

<sup>6</sup> “Технология оформления электронных накладных с применением электронной подписи при перевозках в прямом международном железнодорожном сообщении с государствами – членами Таможенного союза” Утверждена вице-президентом ОАО “РЖД” С.М. Бабаевым 25.12.2012 № 399



2-расм. Юкларни халқаро ташишда давлатлар ҳамкорлигининг аҳамияти<sup>7</sup>

Божхона органлари бошқа ваколатли органлар билан, шунингдек бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги ва маълумот алмашинуви борасида ESCAP томонидан Божхона транзити автоматлаштирилган тизимини яратиш борасида қўлланмасини яратилган бўлиб, тартиби батафсил келтириб ўтилган.

Ушбу тавсияларга кўра минтақадаги давлатлар ўртасида автомобиль ва темир йўлларда халқаро юкларни ташишда божхона транспорт-транзит ахборот тизими (automated customs transit transport system - ACTTS) яратилиши ва товарлар ҳаракатланишининг барча жараёнлари рақамлаштирилишини ҳамда экспортёр, импортёр ва транзит давлатлар онлайн тарзда маълумот алмашишларини тавсия этилган. Иштирокчи давлатларнинг ҳар бири ушбу тизимга уланади ва юк тўғрисидаги маълумотларни олдиндан кўради ҳамда маълумотлар алмашади.

ACTTS тизимининг авзалликларини қуйида кўришимиз мумкин:

-бу тизим халқаро транзитга қоғоз ҳужжатларни рақамлаштириш орқали божхона расмийлаштируви жараёнларини соддалаштиришга ҳамда вақт тежалишига имконият яратилади; онлайн хизматлар кўрсатилиши орқали ТИФ қатнашчиларига қулайликлар яратади ва уларга юкларини онлайн кузатиш имкониятини тақдим этади; жараёнларни шаффофлигини таъминлайди; назорат қилувчи органлар, шунингдек давлатлар ўртасида маълумот алмашиш жараёнларини тезлаштиради.

Бу каби дастурлар бугунги кунда кўплаб давлатларда, айниқса давлатлар иттифоқларида жорий этилиб самарали ишлатилиб келинмоқда. Масалан Европа иттифоқида, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятида амалиётга жорий этилган транзит тизимларини кўриб чиқамиз.

Финландия "AREX" ("AREX" information system for customs administration) божхона ахборот тизими дунёда энг муваффақиятли ахборот тизимларидан ҳисобланади. Исталган давлат резиденти "Web AREX" дастури орқали Финландияга кираётган ёки чиқаётган товарлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши мумкин. Ушбу давлат ҳудуди орқали транзит олиб ўтиладиган товарлар тўғрисида "Web Transit" тизими орқали маълумотлар божхона органига тақдим этилади.

Европа иттифоқида электрон декларациялаш ва транзит жараёнларини онлайн назорат қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш учун янги компютерлашган транзит тизим (New Computerized Transit System (NCTS)) жорий этилган. Тизим ташиш усулидан қатъий назар ЕИ, шунингдек товарлар транзит олиб ўтиладиган бошқа давлатлар ўртасида маълумотлар алмашишга хизмат қилади. Транзит юклари тўғрисидаги декларация жўнаш божхона постига юборилади. Декларация қабул қилинган, юк тўғрисидаги маълумотлар онлайн тарзда транзит ва қабул қилувчи давлатга юборилади. Улар томонидан товар етиб келганлиги тасдиқланган товар назоратдан ечилади<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Маълумотлар асосида муаллифлар ишланмаси.

<sup>8</sup> T.Vorotyntseva, E.Levinskaya "International Trade and Customs Operations in Digital Era" Advances in Social Science, Education and Humanities Research, Volume 489 Proceedings of the International Conference Digital Age: Traditions, Modernity and Innovations (ICDATMI 2020)

<https://conferencea.org>

ЕвроОсиё Иқтисодий Иттифоқи ҳудудида эса транзит юклари назоратини амалга оширишда божхона органларининг маълумот алмашиши миллий дастурлар асосида амалга оширилади. Россия ФБХда божхона транзитини назорат қилиш автоматлаштирилган тизими (автоматизированная система контроля таможенного транзита - АСКТТ-2), умумий жараёнларни назорат қилиш тизими (подсистема контроля общих процессов - ПКООП) бир вақтнинг ўзида РФда, Белоруссияда, Қозоғистон (Қозоғистон Республикаси божхона хизмати ҳузуридаги РФ божхона хизмати элчихонаси)да ишлатилади, шунингдек, Евроосиё иқтисодий комиссиясида ЕОИИ интеграциялашган ахборот тизими Арманистон ва Қирғизистон Республикалари миллий транзит тизимлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда<sup>9</sup>.

Бунинг натижасида

- 2016 йилдан Россия ва Белоруссия ўртасидаги темир йўл транспортида ташиладиган товар айланмаси деярли 100 % қоғозсиз шаклда амалга оширилган (2017 йил сентябрь ойдан ҳавфли юklar ҳам).

- 2016 йилдан Россия-Литва-Белоруссия (материк) йўналишидаги (ва қайтиш йўналишидаги) бўш темир йўл юк вагонлари электрон накладной асосида ҳаракатланиши йўлга қўйилган<sup>10</sup>.

Ҳозирда Темир йўлларда ҳамкорлик ташкилотининг аъзоларидан Белоруссия, Эстония, Қозоғистон, Хитой, Латвия, Литва, Польша, Россия, Украина давлатлари темир йўлларда ташиладиган товарлар тўғрисида олдиндан маълумот алмашадилар.

Жаҳоннинг илғор тажрибалари ўрганилган ҳолда, Ўзбекистон шароитида транзит салоҳиятини ва жозибadorлигини ошириш мақсадида божхона органлари томонидан давлат микёсидаги назорат қилувчи органлар ўртасида ва давлатлар ўртасидаги рақамлаштириш борасида ҳамкорлик ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Халқаро савдода юк-кузатув ҳужжатларини рақамлаштириш борасида Ўзбекистон шароитида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Темир йўлда ташиладиган юklar тўғрисида электрон тарзда маълумот алмашишни йўлга қўйиш шу жумладан:

темир йўл ва божхона ҳамда бошқа назорат қилувчи органлар ўртасида (Россия, Хитой, Қозоғистон, Грузия ва бошқа қўлаб давлатларда назорат қилувчи органлар ўртасида ўзаро электрон маълумот алмашиш йўлга қўйилган.)

давлатларнинг темир йўл ташкилотлари ўртасида (масалан: ҳозирда Россия темир йўллари ташкилоти Белоруссия, Украина, Қозоғистон, Озбекистон, Латвия, Литва, Эстония, Хитой, Хитой, Финландия, Польша, Монғолия каби давлатлар билан маълумот алмашди);

давлатларнинг божхона органлари ўртасида (масалан: Россия, Белоруссия ва Қозоғистон ўртасида 2016 йилдан буён юк-кузатув ҳужжатлари электрон алмашилади. Қозоғистон ва Хитой ўртасида 2012 йилда икки давлат ўртасида темир йўл накладной асосида ҳаракатланадиган товарлар тўғрисидаги маълумотларни олдиндан алмашиш тўғрисида келишув имзоланган<sup>11</sup>);

Темир йўл транспортида ташиладиган товарларга оид юк-кузатув ҳужжатларини рақамлаштириш (электрон СМГС) тизимига ўтиш.

*Маълумот учун:* СМГС келишувининг 15-моддасида қоғоз ёки электрон бўлиши мумкинлиги белгиланган<sup>12</sup>.

Электрон накладнойдан фойдаланиш ва ҳукукий асослари “Functional and Legal Specifications for the Electronic CIM/SMGS Consignment Note”да келтирилган.

Темир йўл накладнойини транзит декларация сифатида қабул қилиш.

<sup>9</sup> Д.Лапин, О. Дмитриева «совершенствование применения таможенной процедуры таможенного транзита»

<sup>10</sup> Minutes of the Expert Meeting, Permanent Working Group for Coding and Informatics (04-05.09.2017, Warsaw)

<sup>11</sup> Kazlogistics web site: Информация о сотрудничестве Республики Казахстан и Китайской Народной Республики в области железнодорожного транспорта (EN: Information on the cooperation of the Republic of Kazakhstan and China in the field of railway transport). Available at: <http://portal.kazlogistics.kz/analytics/95/596/>

<sup>12</sup> [Соглашение о Международном железнодорожном грузовом сообщении \(СМГС\) от 01 ноября 1951 - docs.cntd.ru](#)



<https://conferencea.org>

Божхона органлари СМГС ёки бошқа темир йўл накладнойларини транзит декларация сифатида қабул қилади ва бошқа ҳужжатлар талаб қилмайди<sup>13</sup>. Ушбу амалиёт қуйидаги давлатлар ва иттифоқларда жорий этилган:

Евроосиё иқтисодий иттифоқида (“Божхона иттифоқи ҳудудида темир йўл транспортида ташиладиган транзит товарларнинг божхона транзитининг алоҳида шартлари тўғрисида”ги шартнома, 2010 й.); ЕИда (ЕИнинг божхона қонунчилиги ва “Умумий транзит тартиби тўғрисида”ги Европа Конвенцияси, 1987 й.)

Европа Эркин савдо уюшмаси мамлакатлари;


TRACECA (Transport Corridor Europe-Caucasus-Asia) давлатларидан айримлари;

Миллий қонунчилик ва халқаро шартномалар асосида бошқа давлатлар (масалан Украина);

Замонавий ва сезиларсиз техник воситалардан кенг фойдаланиш.

Видео мониторинглар, электрон тарозилар, ренген сканер аппаратлари, вагон ва контейнерларни рақамларини аниқловчи қурилмалар, вагон ичидаги суюқликларни ўлчайдиган аппаратлар ва бошқа воситаларни қўллаш ва улардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги расмда Литва ТЙЧПда вагонларни назоратдан ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар кўрсатилган (3-расм).



3-расм. Литвия ТЙЧПда вагонларни кўриқдан ўтказиш тизими (видеомониторинг, электрон маркер, габарит датчиклари, тепловизор, кимёвий датчик)

Фикримизча, чегара пунктларида мамлакатимизга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган юкларни божхона назоратидан ўтказиш жараёнида божхона назоратининг замонавий ва сезиларсиз техник воситаларидан фойдаланиш ушбу жараёнга сарфланадиган вақт ва ҳаражатларни сезиларли равишда камайтиради. Бу эса Жаҳон банкининг Логистика самарадорлиги индексида мамлакатимиз ўрнини кўтаришга хизмат қилади. Шу билан бирга замонавий техник воситаларни қўллаш божхона органлари моддий ва молиявий ресурсларни тежалиб, иш унумдорлигини оширади деб ҳисоблаймиз.

<sup>13</sup> UN ESCAP “Study on border crossing practices in international railway transport”, Bangkok, 2018, 264 pages, page 142

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Соглашение о Международном железнодорожном грузовом сообщении (СМГС) от 01 ноября 1951 - docs.cntd.ru
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-122-сон фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев. “Божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари” бўйича йиғилиши. 2020 йил 17 февраль.
4. UN ESCAP “Study on border crossing practices in international railway transport”, Bangkok, 2018.
5. UN ESCAP “Readiness Assessment for Cross-Border Paperless Trade: UZBEKISTAN”, Bangkok, Thailand Copyright © United Nations 2019.
6. T.Vorotyntseva, E.Levinskaya “International Trade and Customs Operations in Digital Era” Advances in Social Science, Education and Humanities Research, Volume 489 Proceedings of the International Conference Digital Age: Traditions, Modernity and Innovations (ICDATMI 2020).
7. Д.Лапин, О. Дмитриева «Совершенствование применения таможенной процедуры таможенного транзита».
8. Minutes of the Expert Meeting, Permanent Working Group for Coding and Informatics (04-05.09.2017, Warsaw)
9. “Технология оформления электронных накладных с применением электронной подписи при перевозках в прямом международном железнодорожном сообщении с государствами – членами Таможенного союза” Утверждена вице-президентом ОАО “РЖД” С.М. Бабаевым 25.12.2012 № 399
10. <http://truckanroad.ru/business/traft-perevela-perevozki-dlya-l-jetual-na-jelektronnuju-transportnuju-akladnuju.html>
11. Информация о сотрудничестве Республики Казахстан и Китайской Народной Республики в области железнодорожного транспорта. <http://portal.kazlogistics.kz/analytics/95/596/>